

**ЎЗРФА ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ФОНДИДА САҚЛАНУВЧИ №9927  
РАҚАМЛИ ҚҮЛЁЗМА МАТНИНИНГ ГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Баратов Фиёсиддин**  
*ТДШУ 2 боскич магистранти*

Матн тарихини ўрганиш учун, биринчи навбатда, уни тўғри ўқиш лозим. Араб ёзувидаги Шарқ қўлёзмаларини ўқиш учун қўп нарсани, хусусан, мусулмон Шарқи ва унга хос жиҳатларни билиш лозим. Чунки бугунги кунда яшаётган, бошка ёзув ва ўзгача муҳитда шаклланган киши матншунос бўлиши учун матн яратилган даврга «кўчиб», матн билан муносабатга киришиши лозим бўлади.

ЎЗРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида №9927 инв.рақам остида сақланувчи қўлёзма манба ўзида ўзбек шеърий қиссачилиги намуналарига оиддир. Бу манба Холис тахаллусли муаллифга тегишли бир нечта қиссаларни ўз ичига олади. Матншуноснинг дастлабки вазифаларидан бири қўлёзма манбанинг график-имло хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат. Қайси график белги айни манбада қандай товушни ифода этганлиги масаласи ечилса, асар матнини тўғри ўюштириш ва талқин қилишга пойдевор яратилган бўлади. Шу жиҳатдан куйида мазкур манбанинг график-имло хусусиятларига тўхталамиз.

Манбада “алиф” қўйидаги унли товушларни ифодалашга хизмат қилган:

1. “ā” товуши – орқа қатор, “йўfon”, кенг, лабланган унли:

Эски ўзбек тилидаги матнлардаги унлилар қатори хусусида гап кетганда ā (o) унлисига диққат қаратиш лозим. Кўп туркологларнинг фикрича ā унлиси эски туркий тилда мавжуд бўлмаган. Хусусан, Алишер Навоий даври тилида ҳам. Шунингдек, туркий тилга хос сингармонизм қонунияти ҳақида шундай дейилган: Сўнгги йилларда тилшунослигимизда ўзбек тили тарихида, хусусан, Алишер Навоий асарлари тилида сингармонизм қонуни бузилган эди, ўзбек тили тарихи учун ушбу ҳодиса аҳамиятли эмас, деган фикрлар чиқиб қолди. Буткул қўшилиб бўлмайдиган фикр. Туркий тиллар тарихида, хусусан, эски ўзбек тилида сингармонизм темир қонун сифатида амал қилган. Эски ўзбек тилининг фонетик қурилиши, морфо-фонологик тизими ана шу қонунга бўйсунган эди. Навоий асарларининг тили сингармонизмли тилдир. Бугина эмас, бутун ўзбек мумтоз адабиёти асарларининг тили айни қонунга асосланади.

Демак, манба матнини тадқиқ қилганда туркий сўзлар учун ā ни ўрнига олди қатор ани кўллаш лозим бўлади. Ўзлашган сўзларда эса ā ўз ҳолатида қолади. Шунингдек, матнни ўюштиришда сингармонизм қонуниятини эътиборга олиш керак. Араб ёзуви туркий матнларга алиф ҳарфи кўпфункцияли белги ҳисобланади. Жумладан, ушбу манбада ҳам бу ҳарф ā ни ифодалашга хизмат қилган:

قردیلار نى جى حوار يوز نچه سى قىسى هر

دیدبیبا کیلور عاخیر الارنى غىدېن كوييلو

Har qaysisi nečä yüz xavārijnī qirdilar

Köbluğudin alarni ājiz kelür dediyä (10 b)

2. “а” товуши -

قالدى يتىم اتادىن اوغلۇ اكى نى خسىن

بولديبا شهد اولم دشتىدە نى بلا كر

Xusaynni iki oğlı atadın yetim qaldı

Karbalāni daştıda ölim şahid boldiya (10 b)

3. “ä” товуши -

اولدى انىسى اكى سىندى كونكلى نى خسىن

دیدبیبا تتاي ايمدى يغلادى اورروب فرياد

Husaynni köjli sündi, iki inisi öldi

Faryād ürüp yىğladı emdi netäy dediyä (10 b)

4. “е” товуши – олд қатор, “ингичка” кенг лабланмаган унли.

درماندە قىلدى منى ارماندە كتى ا GAM

دیدبیبا قىلای نجوك حزاندە ايمدى قالدىم

Ağam ketti armānda, meni qıldi darmānda

Qaldım emdi xazānda nečuk qiläy dediyä

5. “ї” товуши – орқа қатор, “йүғон”, тор, лабланмаган унли.

6. “ї” товуши – олд қатор, “ингичка”, тор, лабланмаган унли:

اوزاتىيا قولىنى اولتوروپ دىب ايجابىين

ايىدى يوق يوتكان قطره قولىغە اليپ هنوز

Içayın deb olturup qolni üzätiyä

Hänüz alip qoliğa qatra yütgän yoq ärdi

7. [o] – орқа қатор, “йүғон”, кенг, лабланган унли;

دیديالار براذرلار باردىلار پرى درىا

دیدبیبا لار بىرىنچ سو قطره بىر او غلانغە بو

Daryā biri bardilar bıradärlär dedilär

bu oğlanğa bir qatra suv berinjlär dediyä

8. [ö] – олд қатор, “ингичка”, кенг, лабланган унли;

قالدى يتىم اتادىن اوغلۇ اكى نى خسىن

بولديبا شهد اولم دشتىدە نى بلا كر

Xusaynni iki oğlı atadın yetim qaldı

Karbalāni daştıda ölim şahid boldiya

9. [u] – орқа қатор, “йүғон”, тор, лабланган унли;

اولدى انىسى اكى سىندى كونكلى نى خسىن

دیدبیبا تتاي ايمدى يغلادى اورروب فرياد

Husaynni köjli sındi, iki inisi öldi

Faryād urup yüglədi emdī netäy dediyä

10. [ü] – олд қатор, “ингичка”, тор, лабланган унли.

“а” ёки “ä” товушини қўлёзмада “алиф” ҳарфидан бошқа ҳарф ҳам ифодалаган. Бу ҳарфидир. Бундай хусусият форсий тилда мавжуд. Лекин, бу манбада туркий сўзларда ҳам қўлланган:

قالدى يەتم اتادىن او غلى اكى نى خسین

بۈلۈپىا شەد او لم دشىتىدە نى بلا كر

Xusaynni iki oğlı atadın yetim qaldı

Karbalānī daştıda ölim şahid boldiya (10 b)

Яна бир мисол:

پادكارىم قالقان اندىن غەمھورىم اېرىدى اغا

دېدىپىا بار اى قىدە غەمڭىزاريم اېكى اى

Ağam erdi ǵamxorım andın qalğan yādgārım

Ey iki ǵamguzārım qayda baray dediyä

Ёки:

رسول بابام قىدە دور على اتام قىدەدور

خسین اغا م قىدەدور منى كورسە دېدىپىا

Rasul babam qaydadur 'Alî atam qaydadur?!

Xasan ağam qaydadur, meni körsädediyä

◦ ҳарфи асосан сўз оҳирида келганда “а” ёки “ä” товушини ифодалаб келган.

Кўпгина манбаларда ㅂ ҳарфи икки товушни ифодалайди: ㅂ ва р. Лекин, қўлимиздаги манбада бу икки товушни ифодалаш учун икки белгидан фойдаланилган. ㅂ ҳарфи ㅂ товушини, ㅂ эса ր товушини ифодалаган.

اي اېكى نونھارىم گلغە خندانىم

توکانماسىن سىن سىز ارمانىم كوبىتۇر منى دېدىپىا

Ey iki navnihālim gulğunča-yi xandānım

tügänmäsin sensiz armānım köbtür meni dediyä

Ёки:

ش لارن قاندىن منى بغرى دشتى لازار

بولدى اي پروردكار رضاسى سىنى دېدىپىا

Shahidlarni qonidin Kufa lolazor

Bo'ldi ey parvardigor rizosidin dediyo

Асарда “Коф” ҳарфи кўп товушларни ифодалашда хизмат қилган. Шулардан бири [k] товуши:

Emdi bir kichik o'g'li Ali asg'ar dir alif+yoy+dol+yoy

Ko'b din ko'b tashna bo'ldum oyo bobo dediyo

[g] товуши:

تانک اتكونجه اوخلامай اولتورمی يغلاي يغلاي

امدى مين نجوك قىلاي جىكى لاريم دىدىبيا

Taŋ atgünča uxlamay olturmay yïğlay yïğlay

Emdi män nečük qïlay jigärlärim dediyä

“Коф” ҳарфи туркий тилдаги қўлёзмаларда [ŋ] товушини ҳам ифодалаб келган. Қўлимиздаги манбада бу товушни беришда “нун” ва “коф” ҳарфидан фойдаланилган:

دیدیالار براذرلار باردىلار پرى دريا

دیدبىيا لار بىرىنگ سو قطره بىر او غلانغه بو

Daryā biri bardilar birādarlar dedilär

Bu oğlanğa bir qatra suv beriňlär dediyä

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир қўлёзманинг ўзига яраша хусусиятлари бор. Айрим ҳарфларнинг имлосида ҳам ҳар бир манбанинг ўзгачаликлари кузатилади. Муайян ҳарфлар бир нечта вазифани бажарган. Бу манбада ҳам коф, жим ҳарфлари икки товушни ифодалаган. Унлилар баъзан ҳарфлар билан ифодаланган бўлса, баъзилари ёзувда берилмаган.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Равшанов Ф.Р. Холис ва унинг адабий мероси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 1997.
2. Содиқов Қ. Эски ўзбек тили. – Тошкент, 2022.
3. ЎзРФА Шарқшунослик институти фондидаги сакланувчи №9927 инв.рақамли қўлёзма
4. Эркинов А. Матншунослик асослари. – Т.: ЎзМУ, 2009.